

## АШУРАЛИ ЗОХИРИЙ ВА УНИНГ “ХУДОЁРХОН” НОМЛИ МАҚОЛАСИ

Раҳматулло Зияев

Қўқон шаҳар алломалар музейи мудир

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6952594>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ашурали Зоҳирий ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида сўз боради. Шунингдек у томонидан ёзилган “Худоёрхон” номли мақоласи орқали сўнги Қўқон хонининг зиддиятли ва қарама-қаршиликларга тўла бўлган қисқача ҳаёти ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ашурали Зоҳири, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Худоёрхон, Муслимонкул.

### АШУРАЛИ ЗАХИРИ И ЕГО СТАТЬЯ «ХУДАЁРХАН»

**Аннотация.** В данной статье рассказывается о жизненном пути и деятельности Ашурлы Захири. Также через написанную им статью «Худаёрхан» освещается краткая жизнь последнего кокандского хана, полная противоречий и противоречий.

**Ключевые слова:** Ашурали Захири, Махмудходжа Бехбуди, Мунавварқори, Абдулла Авлони, Худоярхан, Муслимункул.

### ASHURALI ZAHIRI AND HIS ARTICLE "KHUDAYERKHAN"

**Abstract.** This article tells about the life path and activities of Ashura Zahiri. Also, through the article “Khudayerkhan” written by him, the brief life of the last Kokand Khan, full of contradictions and contradictions, is highlighted.

**Keywords:** Ashurali Zahiri, Mahmudhoja Behbudi, Munavvarkori, Abdulla Avloni, Khudoyarkhan, Muslimunkul.

## КИРИШ

Ашурали Зоҳирий (1885-1937) атоқли жадид маърифатпарвар, тилшунос, адабиётшунос олим ва журналистдур. У ўз даврининг машхур маърифатпарвар адиблари Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқалар билан бир сафда туриб Туркистон халқларини асрий жаҳолатдан қутқариш, уларни ўзлигини танитиш, бор куч ва матонатини сарфлаган фидойи инсон эди.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ашурали Зоҳирий 1885 йили Қўқон шаҳри яқинида Ойимқишлоқда деҳқон оиласида таваллуд топган. Хат-саводни ўз қишлоғида бошланғич мактабда чиқарган. Сўнгра Қўқонда Муҳаммад Алихон мадрасасида таҳсил олиб араб, форс тилларини, шариат илмини пухта эгаллаган. У ўз қизиқиши билан рус тилини ҳам ўрганган.

А. Зоҳирий 1907-1917 йиллар давомида Қўқонда рус-тузем мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. У 1910 йилдан бошлаб матбуотда ўз мақолалари билан қатнаша бошлади. Ёзган мақолаларида жадидчилик ҳаракатини йирик вакиллари билан бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний ва бошқалар билан ҳамфикр эканлиги сезилиб туради. А. Зоҳирий 1920 йилда Серикбой Оқоев билан биргаликда “Туркий хрестоматия ва терма китоб” номли китобини нашр эттирди. Бу китоб ўша вақтда жадид мактабларини бошланғич ўқувчилари учун мўлжалланган дарслик-қўлланма эди. А.Зоҳирийнинг 1914 йил “Садойи Фарғона” газетасида эълон қилинган “Она тили” мақоласи унинг ўзбек тили ва адабиёти келажиги учун нақадар жонбозлик кўрсатганлигига мисол бўлади. Ашурали Зоҳирий 1920 йили Абдулҳамид Сулаймон

(Чўлпон) билан биргаликда тузган “Адабиёт парчалари” номли дасрлик – хрестоматияни чоп эттирди. Бу китоб олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда кўп асрлик ўзбек адабиёт тарихидан материаллар ўрин олган. Бу китобда бадиий асарлар билан бир қаторда юртимиз тарихида алоҳида из қолдирган айрим тарихий шахслар ҳақидаги мақолалар ана шундай мақолалар жумласидандир. Бу мақола китобнинг 179 – 193-саҳифаларида ўрин олган бўлиб “Тарихдан маълумот” деган изоҳ билан эълон қилинган. Мақолада Қўқон ҳокимининг сўнгги ҳукмронларидан бири Худоёрхон (1831-1882)нинг ҳукмронлик даври 4 босқичи бўлиб баён этилган. Албатта, мақола совет даврида ёзилганлиги учун унда қисман совет даври ҳукмрон мафкурасининг таъсири сезилиб туради. Бироқ шунга қарамай муаллиф Худоёрхон фаолиятини холис ёритишга ҳаракат қилган. Мақолада Худоёрхон ҳукмронлиги 4 даврга бўлиб асосий воқеалар қисқа ва лўнда баён қилинган. Мақола Худоёрхоннинг тахтга ўтирган вақтидаги (1845 йил) воқеалардан бошланади. Муаллиф бу мақолада Худоёрхон фаолияти ҳақида ўзи тўплаган маълумотлар ҳамда Ибратнинг “Тарихий Фарғона” асаридаги материаллардан фойдаланган. Ундаги Худоёрхон билан акаси Маллахон ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги мулоҳазалар, кипчоқ-қирғиз воқеаси билан боғлиқ айрим тафсилотлар бизга маълум бўлган бошқа манбаларда учрамайди. Шунингдек, мақолада айрим фактлар нотўғри берилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, мақолада Худоёрхон вафоти 1899 йил деб нотўғри кўрсатилган. Аслида Худоёрхон 1882 йилда вафот этган. Худоёрхон ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўплаб илмий мақолалар, рисоалар ёзилган. Уларнинг барчаси ҳам ўз ўрнида фойдали. Ашурали Зоҳирийнинг бу мавзудаги мақоласи ҳам мазкур тарихий шахс ҳақида XX асрнинг биринчи чорагида шаклланган умумий фикрни ифодалайди. Унда олий ўқув юрти талабаларига бу шахсни кимлиги ҳақида қисқача маълумот бериш билан уларда юрт тарихига қизиқиш уйғотиш ният қилинган.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Биз бундан салкам юз йил илгари эълон қилинган бу мақола жамоатчилик эътиборидан четда қолаётганлигини назарда тутиб эски ўзбек ёзувидан жорий ёзувга ўгириб нашрга тайёрлаб ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз.

#### **Худоёрхон**

##### **1**

Шералихоннинг ўғли бўлгон Худоёрхон, Фарғона хонларининг тахтига тўрт маротаба ултурғон. Биринчи ўлтириши хижрий билан 1261 йилда бўлгон, учоғда Худоёр 14 ёш бўлади. Ўша вақтда Фарғона хони бўлгон Муродхонни ўлдиртириб, машхур Мусулмонкул мингбошининг ёрдами билан отаси Шералихоннинг тахтини қайтариб олди.

Ўша вақтларда Худоёрнинг акаси Саримсоқбек Тошкентда ҳоким эди. Худоёрхоннинг тахтда ўлтуриши учун унинг ўзидан кўра кўпроқ ғам этурғон Мусулмонкул Саримсоқбекнинг хонлик даъво қилишидан ҳадик қилур эди. Унга қарши очиқ қўзғалишни эп кўрмасдан хийла йўлини тутмоқчи бўлди. Шунинг учун Тошкентда элчи юбориб Саримсоқбекга “Худоёр хали ёшдир келгил отанг ўрнига хон бўлгил” деб таклиф қилди. Тож ва тахт деса эсинин ҳам йўқотиб қўятурғон Хонзода хийладан ҳабари йўқ – Қўқонга келди. Унинг ўрнига Тошкентга ҳоким қилиниб Азизбачча деган бир киши юборилди. Худоёр ҳалиги Саримсоқбекни “Киши билмас ўлдиртириб” юбориб, хонлик талашидан хотиржам бўлди. Шундоқ бўлса ҳам ҳукумат ишлари тамом Мусулмонкулнинг қўлида эди. Худоёр – “Бир кун келиб бу Мусулмонкул тахтимни тортиб олмаса гўргайди”

деб, ундан ҳам ваҳима қилар эди. Бўлмаса хон Муслмонқулнинг куёви бўлиб дунёси ўша билан обод, тож ва тахти у билан барқарор эди. Муслмонқул кипчоқ бўлғони учун Худоёр умуман қирғиз-кипчоқларга қарши юртни қўзғатмоқ билан ундан қутулмоқ фикрига тушди. Худоёрнинг ифвоси билан шаҳарда (Қўқонда) қирғиз-кипчоқларга қарши ҳаракат бошланди. Уларни кўрган жойида кириб шаҳардан суриб чиқардилар. Қочкин қирғиз-кипчоқларни “Билқиллама” жойгача қувлаб бордилар. У ерда жуда катта уруш ва киришлар бўлди: охирида Муслмонқул асир тушиб Қўқонга олиб келинди. Қўқонда уни темир қафасга солиб ҳаммага “ибрат” бўлсин деб баланд бир жойга осиб қўйдилар. У ерда бир неча кун турди. Муслмонқул ҳукумат тепасида турғонда ундан жабир ва алам кўрган кишилар, ҳалиги қафаснинг тагига келиб “Ҳа чўлоқ: Энди қалайсан?” дер эканлар. Уларнинг бу сўзларига Муслмонқул кулуб туриб мана бу жавобни берар экан: - Худога шукур хали ҳам сиздан юқорида ўтирибмен. Бир неча кундан сўнг Муслмонқул ўлдирилди. Бу катта воқеа Худоёр хонлигининг 12-йилида бўлгон эди. Шундоқ қилиб, Худоёр тахтга ўлтирғонидан 12 йил кейин ўз бошига мустақил хон бўла олди. Ўша мустақил хонлиқни “12-хонлиқ”и дер эканлар.

Кипчоқ урди-сурдисиға аралашиб юрган бир киши кўрганларини мана бундоқ ҳикоя қилади: Биз Марғилонда эдик пешин вақти масжиднинг саҳнида бир неча киши салқинлаб ўлтуриб эди. Масжиднинг сўфиси кўчада баланд овоз билан: “Хей муслмонлар! Кипчоқларни қираверинглар, ўлдираверинглар” деб қайта-қайта қичқириб келар эди. Ҳаммамиз югуриб чиқиб:

- Эй, сизга нима бўлди сўфи? Девона бўлдингизми бу гапларингизнинг одамлар эшитиб ҳокимга етказсалар нима қиласиз? – дедик.

Сўфи бизга қараб:

- Эй, сизнинг ўзингизга нима бўлди?. Шу чоқгача гапдан ҳабарингиз йўқми? деди.

Сўнгра биз:

- Ҳа нима гап? Қани айтиб берингчи! деганимизда. У битта-битта гапирмакка бошлади.
- Қўқонда катта ҳодисалар рўй беради кипчоқларни кириш ва ўлдириш бошланибтур. Шаҳардаги қирғиз – кипчоқларнинг ҳаммасини шаҳардан ҳайдаб бердилар. Оқсақолға хондан чопар билан хат келди. Фуқаро фармончини ўлдиргани олиб кетдилар!

Ҳаммамиз югуриб бордуқ ҳокимни кўрдик. Ноибни ва ёрдамчиларини ушлаб олибдилар. Бирини кўзини ўйиб олиб бирини ҳодаға ўтирғузиб баъзиларининг қўл-оёғини кесиб, баъзи бирларининг бурнидан илиб ўтказиб олғонлар. Шу ваҳшат билан бечораларни кўчама-кўча еталаб юриб: “Хей золим фалончини нима ёмонлиқ қилиб эдиким ўлдирдинг? Фалонни нима гуноҳ қилиб эдиким терисини сидирдинг болаларини етим қолдирдинг?” деган сўзлар билан оччиғ-оччиғ таъна қилдилар. Ана ўша хийла таъналар ва турли азоблар билан охирида ҳаммасини ўлдириб юбордилар.

Воқеани Шералихон тахтга ўлтирғон кунидан бошлаб ҳижрийнинг 1273 йилларгача, яқин 15 йил орасида, Фарғона ҳукумати тамом – қирғиз-кипчоқлар қўлида бўлиб келган ҳар шаҳарнинг валий ва ҳокимлари кипчоқдан бўлгон. Чунончи: Нормухаммад додхоҳ, Жумабой додхоҳ, Мирзод додхоҳ, Хонимухаммад додхоҳ, Ўтанбой парвоначи ва шунга ўхшаш кишилар Тошканд, Наманган, Андижон, Шаҳрихон ва Марғилон сўнгра ҳар бири бир неча юз қишлоқ – шаҳарларни сўраб ўзбекларга шундоқ жабр ва жафо кўрсатган эдиларким, озғина баҳона билан қанча кишиларни қўйда сўйиб юборар эдилар. Ўша даврни “кипчоқ замонаси дер эдилар”.

## 2

Мусулмонкул урушида Маллахон кўп маҳорат кўрсатганлигидан Мусулмонкул ушлангандан кейин халқни эси Маллахонга қараб бурилди. Худоёрхон буни фахмлаб қолиб, буинг натижасида бўлғуси фалокатларни ўйлаб ўз ихтиёри билан хонликни Маллахонга топширмақчи бўлди. Лекин Маллахон бу ишга унамасдан Худоёрхонни ўз жойида қолдирди. Маллахон бўлса гоҳ бошқа шаҳарларда бек гоҳ Қўқонда хонга маслаҳатчи – бош вазир бўлиб хон билан иттифоқ ва дўстликда умр ўтказар эди. Худоёрнинг номакул ярамас ишлари кундан-кунга кўпайиб кетаверганлигидан Маллахон кўлидан келганча насиҳат қилар эди. Кўп вақтлар унинг насиҳатларини тингламаганлиги учун Худоёрхондан хафа бўлиб ҳам қўяр эди. Бундан фойдаланиб орадаги ғаламислар бир фитна чиқармоқчи бўлдилар ва – “Хоннинг қасди Маллани ўлдирмак”, “Малланинг нияти Худоёрни йўқ қилиб ўрнига ўзи ўтирмақчи” деган миш-мишларни тарқатиб иккала тамоннинг ҳам қонини киздирмоққа киришдилар. Ана ўша иғволарнинг натижасида Маллахон билан Худоёр бир-бирларига ишонмай турғон бўлиб қолдилар.

Мусулмонкулнинг ўлдирилишидан икки йил кейин Худоёрхон хонлигининг 14-йилида Маллахон “Элатия” (қирғиз-кипчоқ) ичига кириб кетди. У ердан ўз фурсатида 7-8га қирғиз-кипчоқни йиғиб тўғри Марғилонга келиб кирди. Марғилон халқи урушмасданок Маллахонга тобеъ бўлди. У ердан ҳам бир неча минг йиғиб Қўқонга юруш қилди Худоёр бор аскар билан қарши чиқиб урушди. Лекин Маллахон кўшинига тоб келтира олмасдан Қўқонга қайтиб қамалди. Ўшанга қандоқ бўлишига ақли етган бўлса керак. Ўша қамал кечасидаёқ Бухорога қараб қочди. Ўша вақтда хижратнинг 1275 йили эдиким, Маллахон Қўқонга кириб Фарғона тахтига ўлтирди. Унинг даврида ҳам отаси Шералихон давридаги барча ҳукумат ишлари қирғиз-кипчоқ кўлида бўлди. Чунончи: кипчоқ саркардаларидан Мулла Олимкул хоннинг энг яқин одами – бош вазири эди. Ана ўша ака-ука жанжалли ва алғов-далғов вақтлар эди. Алғов-далғов вақтларида пайт топиб чоллар Россияси Оренбурғ томонидан келиб “Оқмасжидни” олди. Сибир томонидан жўнатган кўшини бўлса бу тарафда – Етти сувда Олмаотагача етиб келди.

- Оқмасжидни Россия олиб қўйябдур, деб Худоёрхонга хабар берганлар.

Худоёрхон:

- Оқмасжид деганингиз шу ердан неча кунлик йўл? Сўрагон.

Вазирлар:

- Икки ойлик йўл, деб жавоб берганларида.

Худоёр:

- Ундоқ йироқ ерларнинг менга кераги йўқ, олса олаверсин, деб қўягон.

Бундоқ дейиши, фақат ўз-ўзини овунтурмоқ учунгина бўлиб “Оқмасжид”нинг кўлидан кетмаги ҳам Ўрда ичида халқ орасида бўлсин анча ғала-ғовур олушувларга сабаб бўлди. Ҳийла маслаҳатлардан кейин Россия билан фикр алишмоқ учун Соҳибзода ҳазратнинг Петербурқга элчиликка юбордилар. У киши қайтиб келгандан кейин Россиянинг қандай эканини куч-қувватини унда кўрган билганларини айтиб Россия билан дўстликдан бошқа чора бўлмағонини агар у билан ёвлашиб уруш бошланса мамлакатга катта зарарлар келиши эҳтимоли борлигини бир-бир баён қилди. Иш билмай турғон нодон беклар: дунё кўрмаган аҳмоқ уламо киёфасидаги ҳайкаллар “Бу киши Россиядан пора олиб элни сотубдур. Исломдан куффирни ортиқ қилиб кўрсатди” деб тўхматлар қилиб

Ҳазратнинг оғзиға қурғошин қуймоққа фатво бердилар. Охирида баъзи бир кишиларни ўртага тушиб тилаб олмақлари орқасидан саломат қолди.

### 3

Россия Оқ масжидни олиш билангина қаноат қилмасдан секин-секин Олмаота томондан буёққа қараб силжиб келар эди. Маллахон ундан хабар топқондан кейин унда Андижон ҳокими Олимбек қирғиз билан Туркистон волийси Қаноатшоҳ иккаласини 6 минг қўшин билан Россияга юборди. Булар “Учёғоч” деган жойда Россия аскарлари билан дуч келишдилар. Булар Россия аскарларини қисиб таҳликага тушуриб турғон вақтларида икки бошлиқ сардорнинг ўртасиға совуқлиқ тушиб қолди “Ғалаба номини ҳар қайсиси ўзига олмақчи бўлур эди”. Натижада Олимбек ўзига қарашлиқ йигитлари билан урушдан чиқиб кетди. Қаноатшоҳ ўзига қарашлиқ аскарлари билан Россияга қанча қарши турса ҳам бўлмай орқага қайтиға мажбур бўлди. Унга аскарларидан мингтачаси ўлиб анчаси ярадор бўлди. Россия аскарлари 300тача бор эди улардан ўлган ва ярадорлар маълум эмас эди. Қисқаси Маллахон даврида Россия “Янгиқўрғон” деган жойгача келди. Маллахон хонлигининг 3-йил хижрий билан 1278 йили ўз вазири Мулла Олимкул ёш бўлғон ҳолда Олимбек қирғиз ва бошқа бир неча иноқлар томонидан ўлдирилди.

### 4

Маллахон ўлдирилгандан кейин Мулла Олимкул ўзининг “балли-балли”чиси бўлғон хоинлар билан гапини бир қилиб туриб Саримсоқбекнинг ўғли Шохмуродхонни 15 ёшида хон кўтартирди бу вақтда Қаноатшоҳнинг Тошкент қўшини бир неча хил “Қурама” лашкар билан Туркистонда турар эди. Қаноатшоҳ Маллахон воқеасини эшитгандан кейин дархол қўшиниға эълонийўли билан эшиттирди ва: “Олимкул хиёнат қилиб Маллахон ўлдирибдур. Халқни алдамоқ учун бир ёш бўлғон “Хон” исмини берибдур. Бундан мақсади ҳукуматни ўзи идора қилмоқдур. Бу тарафдан ўрус билан ишимиз бундоқ у тарафдан юртни саришта қилатурғон одамнинг аҳволи ундоқ” деб ўртаға маслаҳат ташлади. Бу эълонни эшитгандан кейин барча саркарда ва сипоҳ бир дил ва бир тил билан: “Барчамиз ихтиёримизни сенга бердик. Қайси ишни юртга фойдалиқ деб билсангиз ўшанга жонимиз фидо” деб жавоб қайтарди. Шундан кейин Қаноатшоҳ уларга қараб мана бундоқ дейди:

- Маъқул кўрсаларингиз Бухородан Худоёрхонни чақириб жамий қўшин билан пойтахтат “Кўқон”га борамизда Худоёрхонни хон кўтариб унинг буйруғида бўламиз, йўқса бир сағир хонга эътиборсиз сўзи ва бир саҳронишининг тадбирисиз маслаҳати билан иш ўнгига келмас

Барча сипоҳлар бу маслаҳатни мувофиқ кўриб иттифоқ билан Худоёрхонга киши юбордилар Худоёрхон ҳам Маллахон воқеасини эшитиб, Бухоро амири Амир Музаффарнинг кўрсатиши билан Жиззах шаҳрига келган экан, йўлда чопорға йўлиқиб Қаноатшоҳнинг юришидан хабар олди. Шу билан илдам-илдам босиб келиб Қаноатшоҳ билан кўришди. Тошкент аҳолиси билан ҳамма қўшин Худоёрхонга байъат қилди. Хон Қаноатшоҳга оталиқ “Бош вазирлик хусусий маслаҳатчилик” мансабини берди. Худоёрхон оталиғ ва ҳамма қўшин Тошкентдан қўзғалиб Хўжандга келдилар. Бу вақтда Амир Музаффар ҳам Хўжандга келган эди. Амир Худоёрхонга Кўқонга бормоғига ижозат берди. “Агар Шохмуродхон ва Мулла Олимкул қарши келсалар сенга ёрдам берарман деб ваъда ҳам берди.

Мулла Олимкул бу ишлардан хабар топиш билан дарҳол ўзига қарашлиқ қирғиз-қипчоқ қўшинини олди-да “Элатия” орасига чиқиб кетди. Шохмуродхонни ўзбек аскарлари билан Қўқонда қолдирди. Худоёр, ҳеч бир қаршилиққа йўлиқмасдан тўппа тўғри Қўқонга келиб кирди. Шохмуродхон қарши туриб қўлидан келмаслигини билиб шаҳарнинг дарвазасидан чиқиб қочди. Шундоқ қилиб хижрий билан 1279 йилда Худоёрхон Ўрдага кириб учунчи мартаба тахтга ўлтирди. Шохмуродни қувлаб бориб тутиб келтирдилар. Худоёр, унга ёшлиғига раҳим қилиб ва яқинлигини кўзда тутиб – ўлдирмади.

Шохмуроднинг хонлиғи 2 ой миқдориди бўлди. Мулла Олимкул “Элатия” орасида эди. Худоёрга итоат қилмади ва шу сабабдан мамлакатдан кўп тўлқинлар кўзғатди. Ўз ичидан “Белбоқчихон” дегани хон кўтариб оз кунда уни йўқотди. “Шохруххон дегинини хон қилиб уни ҳам йўқ қилди.

Фарғонада фитна ва ғавғоларнинг бошламоғини эшитиб Музаффар Худоёрга ёрдам бермоқ учун Қўқонга келди. Қирғиз-қипчоқни қувлаб тоққа томон кетди. Тоққа кириши билан бир қувлаб берди, қулай ерда пайт пойлағон Мулла Олимкул уни ўраб олди. Амир анча кўп сўз ҳам ваъдалар билан зўрға Олимкулнинг қўлидан қутилиб Қўқонга келди. Қўқондан Худоёрни олиб Шохмуродни яна хон қилиб қўйиб Бухорога жўнаб кетди. Ўрда атрофидаги катталар “мамлакат тинчисин” деб Шох Муродни Мулла Олимкулнинг истиқболига чиқардилар. Олимкул уни ўлдирди. Шохмуроднинг бу сафарги хонлиги 2 ярим кунгина бўлди.

Мулла Олимкул Қўқонга кирмасдан тўғри Марғилонга бориб у ерда Маллахонга ўғли Султон Саидни хон кўтарди. Бу воқеа хижрий билан 1280 йилда эди. У вақтда Фарғона водийси шу қадар чайқалиб бесаранжом бўлдики: гоҳ Худоёрхон, гоҳ Мулла Олимкул, гоҳ Шохмуродхон, гоҳ Султон Саид ва бошқа ва бошқалар бири кетидан бири келиб доим алишиб турдилар. Бунинг устига: “Фалон жойда хон чиқубдур, фалон жойда бир хонзода бош кўтарибдур” деган ваҳималик хабарлар қулоқларни қар қилар эди. Хонлиқ эса булар ўйинига айланиб икки ўртада хаддан ташқари эзилган бечора фуқаро бўлар эди. Қайси бир хон келса бечора фуқаро – “Қандоқ куни билан суяр қандоқ баҳона билан сукар” деб ташвиш тортиб қайси бири келса: “Хуш келдингиз, яхши қилдингиз! Худодан тилагимиз шу эди” деб қўл қовуштириб турмоқдан бошқа илож топа олмас эди.

Бу вақт Россиянинг Туркистон шаҳарига яқинлашғони эшитилди. Мулла Олимкул хонлиқ масаласини бир ёқлик қилғон бўлиб Қўқонга келди. Мамлакатни анжомини келтирмак қасди билан Тошкандга бориб у ернинг беги бўлғон Шодмонхўжани ўлдирди. Ўрнига Нормухаммад додхоҳни тайин қилиб “Давлат тожик” деган бир девона мижоз одамни Туркистонга ҳоким қилиб юборди. Буни ўша ишларни қилғондан кейин Қўқонга қайтди. Халиги Давлат тожик Туркистонга бориш билан теварагидаги “Элатия”ни талаб, чопиб ўлдиришга киришди. Ўшанга ёмонлиғидан безган қозоқ халқи Россия қўл остига ўтиб кетди ва Россиянинг келмагини айламакга бошлади. Кўп вақт ўтмасдан Россия Туркистонни олди, 1281 хижрийда Туркистон ва Авлиё ота шаҳарлари русия қўлига ўтди. Россия ўша томондан Чимкентга қараб силжимакда эди. Бу хабарлар Мулла олимкулга эшитилди. Олимкул, хонни ва барча аскарларини олиб Чимкентга келди. Чимкентга келиш билан дарҳол қозоқларнинг номдор бир оқсоқолини ўлдирди шу билан ўртадаги қозоқларнинг ҳаммаси буларга душман бўлиб қолди. Урусларга ёрдам қилдилар шу билан Чимкент ўрислар қўлига ўтди. Улар у ерда қишлаб, баҳорда Тошкентга юриш қилдилар.

Фарғона хони Султон сайид Тошкентда Бухоро амири Музаффар Хўжандда эди. Урусларнинг Тошкентга қараб юриш қилғонлиқларини эшитгандан кейин, Тошкент аҳолиси Амир Музаффарга чопор юбориб ундан ёрдам сўради. Амир: “Султон сайидни менга олиб келиб берсангиз ёрдам қиламан” деди. Тошкент халқи шаҳарни уруслардан қутқармоқ учун бир кишидан келишга қарор бердилар ва Султон сайидни тутиб Хўжандга амир Музаффарга жўнатдилар. Амир Султон сайидни ўлдиргандан кейин Тошкентга ҳеч бир ёрдам бермасдан Худоёрни Қўқонга олиб бориб ўз қўли билан тахтга ўтурғизди. Худоёрнинг тўртинчи марта тахтга ўлтириши шудир. Худоёр ҳам амирга қарашли бир бекдак бўлиб турди ва жума намозларида хутбани ҳам амирнинг номига ўқиттирди. Бу шарти Россия билан уруш чиқиб қолса бир-бирларига ёрдам қилмоққа маҳкам аҳд ва паймон қилишдилар. Шундоқ бўлса ҳам амир қўқонликларга ишонмасдан уруш асбобларнинг ҳаммасини ўзи билан бирга олди ва Қўқонни Худоёрга, Тошкентни Россияга ташлаб яна Бухорога жўнади.

Тошкент 8 кун ўзини қўриқлогандан кейин хижрий билан 1282 йилда (милодий 1865 йили май ойида) эди Россия қўлига ўтди. Тошкентни қомагон урус аскарлари 2000 чамасинда бўлиб қозоқ-қирғиздан қўшилиб борган қурама аскарлари кўп эди.

## 5

Амир Россияга қарши уруш бошлаб қўйғонлиғидан Россия ҳам Фарғона томонга юриш қилмасдан, Бухорога қараб бурди. Жиззах, Ўратепа, Самарқанд ва Каттакўрғон бирма-бир бир-бир кетин урусларнинг қўлига ўтгандан кейин амир Россия билан ярашди. Икки ўртада муносабат тузалди. Худоёр Бухоро билан Россия орасидаги урушда бурунги аҳди-паймонларини тамом эсдан чиқарди ва Бухорога сира ёрдам қилмади. Бухоро билан Россия ўртасида яраш бўлгандан кейин Худоёр Россиядан бирнавъ хотиржам бўлдида улоқ чоптириш, хўроз уруштириш ва бошқа ҳар хил ўйин кулгиларга зўр берди. Халқ унинг жабр ва ситамларидан жуда тўйиб турган бир замонда – Мусулмонқулнинг ўғли Абдурахмон офтобачи билан Худоёрнинг орасига совуқлик оралади. Аскар офтобачининг қўлида бўлғонлиғидан Худоёр у билан олиша олмаслиғини билди ва Россиядан мадад сўрамоқ учун хижрий билан 1292 йилда Тошкентга борди у ерда Россия саркардалари уни маҳкам ушлаб “Ўрунбуруғ” шаҳарига жўнатдилар.

Ўрунбуруғда бир йилдан ортиқроқ тургандан кейин у ердан қочиб Ҳивага ўтди. Ҳивадан Бухорога ундан Ҳиндистонга ундан Ҳажга ўтиб кетиб 1899 йилда ўша ёқда ўлди. Умрининг охирида кўп ғурбатлар кўриб кўп меҳнатлар чекди.

## МУҲОКАМА

Ўлиши тўғрисида бир неча ривоятлар бор эди. Сўнгра Худоёрдан кейин Фарғонанинг руслар томонидан олиниши ва ундан бурунги хонлар ҳам баъзи бир китобларда бор. Лекин биз Фарғонанинг сўнги хони бўлгон жоғарочи “Худоёр” тўғрисидаги маълумотни бермоқчи бўлғонлиғимиздан бошқа хусусларда қалам юргизмадик. Ўтган кишилар, айниқса талабаларимиз ў тўғридаги русча ва мусулмонча асарларни титкиласалар бўладур.

## ХУЛОСА

Худоёрнинг Мусулмонқул вақтида шериклик хонлиғи 12 йил Мусулмонқулни ўлдиргандан кейин Маллахон жанжалиғигача хонлиғи 2 йил Маллахондан кейин Мулла Олимқулнинг ҳадиғи билан хонлиғи 1 йилдан ортиқроқ охирғи хонлиғи 9 йил ҳаммаси бўлиб 25 йил қадар хонлиқ қилғондир.

**REFERENCES**

1. Ашурали Зоҳирӣ – юрт ва миллат фидойиси. (Мақолалар тўплами). “Фарғона”. 2021. Б. 280.
2. А.Зоҳирӣ. Она тили.//Садойи Фарғона. 1914 йил 3-сон.
3. Турдиалиев А. “Адабиёт парчалари” дасрлик – хрестоматияси ҳақида. (“Ашурали Зоҳирӣ – юрт ва миллат фидойиси” китобида). 2021. Фарғона.
4. “Адабиёт парчалари”. Тузувчилар: А. Сулаймон, А. Зоҳирӣ. (Араб ёзувида) Тошкент. 1926.